

да. Узоқ муддатли истиқболда мамлакатимиз ташқи савдосида “яшил” экспорт устуворлигига эришиш учун миллий иқтисодиётнинг барча со-

ҳаларини – технологик, таълим, иқтисодий ва бошқаларни таркибий ўзгартиришни талаб қилади.

### Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон фармони. URL: <https://lex.uz/docs/5841063>
2. <https://www.stat.uz/uz/rasmiy-statistika/merchandise-trade-2>
3. A European Green Deal [Электрон манба] // European commission. URL: [https://ec.europa.eu/info/strategy/priorities-2019-2024/european-green-deal\\_en](https://ec.europa.eu/info/strategy/priorities-2019-2024/european-green-deal_en) (мурожаат санаси: 12.01.2023 й.).
4. Goldar A., Bhanot J., Shimp K. Prioritizing Towards a Green Export Portfolio for India: an Environmental Input – Output Approach // Energy Policy. 2011. Vol. 39, iss. 11. P. 7036–7048. URL: <https://doi.org/10.1016/j.enpol.2011.08.008> (мурожаат санаси: 12.01.2023 й.).
5. Huberty M., Zachmann G. Green Exports and the Global Product Space: Prospects for EU Industrial Policy. – Brussels, 2011. – 30 p.
6. Bıçakcıoğlu-Peynirci N., Tanyeri M. Stakeholder and Resource-Based antecedents and Performance Outcomes of Green Export Business Strategy: Insights from an Emerging Economy // International Journal of Emerging Markets, 2020. – P.1-46. URL: <https://doi.org/10.1108/ijem-03-2020-0245>.
7. Барышева Г.А., Егорова М.С. Зеленые технологии: определение понятия, этапы становления и роль в устойчивом развитии экономики. // Теория и практика общественного развития, 2019. – №12. – С.1-7. URL: <https://doi.org/10.24158/tipor.2019.12.8>
8. Основные направления развития логистики XXI века: ресурсосбережение, энергетика и экология / И.Н. Омельченко [и др.] // Гуманитарный вестник, 2013. – №10 (12). – С.1. URL: <https://doi.org/10.18698/2306-8477-2013-10-118>.
9. Фюкс Р. Зеленая революция: экономический рост без ущерба для экологии. – М., 2020. – 330 с.
10. Шеффи Й., Бланко Э. Достижение баланса: прагматичный взгляд на экологическую ответственность бизнеса. – М., 2020. – 576 с.
11. Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси [Электрон манба] // URL: <https://lex.uz/docs/2876352> (мурожаат санаси: 12.01.2023 й.).
12. Ларин А.Н., Ларина И.В. «Зеленая» логистика – современная технология перевозочного процесса. // Инновационная экономика и общество, 2018. – № 4 (22). –С.47-53.
13. Якубов Р. Автоматизация – залог эффективной работы. // Таможня, 2021. – №1 (450). – С.20-23.
14. Зеленая экономика и международная торговля: на пути к устойчивому развитию / В.Ю.Саламатов [и др.]. – М., 2020. – 48 с.
15. <https://rocб-europe.org/ru/uspeshnoe-zavershenie-vsemirnoy-konferentsii-zelenaya-tamozhnya> [Электрон манба] // Европа минтақаси Жаҳон божхона ташкилоти учун салоҳият яратиш бўйича минтақавий бюро сайти (мурожаат санаси: 12.01.2023 й.).
16. Qamar M.Z., Noor M., Dr. Wahid Ali, Qamar M.O. Green Technology and its Implications Worldwide [Электрон манба] // The Inquisitive Meridian, 2020. – Vol. 3, iss. 1. URL: <https://www.researchgate.net/publication/350443477> (мурожаат санаси: 05.01.2023 й.).
17. Berggren C., Kageson P. Speeding up European Electro-Mobility – How to Electrify Half of New Car Sales by 2030. Report for Transport and Environment. - Stockholm, 2017. – 82 p.
18. Кузнецова Г., Цедиллин Л. Стимулирование несырьевого экспорта: международный опыт и российская практика // Мировая экономика и международные отношения, 2018. – № 5. – С.72-79. URL:<https://doi.org/10.20542/0131-2227-2018-62-5-72-79>.



**МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТДА МУЛКЧИЛИК МУНОСАБАТЛАРИ, МУЛК  
ХУҚУҚИНИНГ ДАХЛСИЗЛИГИНИ ИШОНЧЛИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ, ХУСУСИЙ  
МУЛКНИНГ КАПИТАЛЛАШУВ ДАРАЖАСИНИ ОШИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ**

**Норбоев Одил Абраевич -**  
ТДИУ Фундаментал иқтисодиёт  
кафедраси доценти

 [doi.org/10.55439/ECED/vol24\\_iss3/a5](https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss3/a5)

**Аннотация.** Ушбу мақолада мулкчилик муносабатлари ва мулккий ҳуқуқларнинг ишончли ҳимоясини яратиш, ушбу ҳуқуқларни чеклаётган омиларни бартараф этиш бўйича вазифалар ижросини таъминлаш. Шу билан бирга мулкчиликни ривожлантиришда ҳуқуқимиз томонидан олиб борилаётган ислохотлар ёритилган. Олиб борилган таҳлиллар натижасида хусусий мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқини бевосита ёки билвосита чеклашни назарда тутувчи, мулккий муносабатларда бозор иқтисодиёти тамойилларини тўлиқ жорий этишга тўқинлик қилувчи чекловларни бекор қилиш бўйича ҳулосалар олинган.

**Калит сўзлар:** мулкчилик муносабатлари, хусусий мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқи, чекловлар, бекор қилиш бўйича ҳулосалар.

**ИМУЩЕСТВЕННЫЕ ОТНОШЕНИЯ В НАРОДНОМ ХОЗЯЙСТВЕ, НАДЕЖНАЯ ЗАЩИТА НЕПРИКОСНОВЕННОСТИ ПРАВА СОБСТВЕННОСТИ, ПЕРСПЕКТИВЫ ПОВЫШЕНИЯ УРОВНЯ КАПИТАЛИЗАЦИИ ЧАСТНОЙ СОБСТВЕННОСТИ**

*Норбоев Одил Абраевич -  
ТГЭУ кафедра «Фундаментальная экономика», доцент*

**Аннотация.** В данной статье речь идет о создании надежной защиты отношений собственности и имущественных прав, обеспечивающей реализацию задач по устранению факторов, ограничивающих эти права. При этом выделяются реформы, проводимые нашим правительством в сфере развития собственности. В результате проведенного анализа сделаны выводы об отмене ограничений, прямо или косвенно ограничивающих право владения, пользования и распоряжения частной собственностью, препятствующих полноценной реализации принципов рыночной экономики в имущественных отношениях.

**Ключевые слова:** отношения собственности, право владения, пользования и распоряжения частной собственностью, ограничения, выводы об отмене.

**PROPERTY RELATIONS IN THE NATIONAL ECONOMY, RELIABLE PROTECTION OF THE INVIOABILITY OF PROPERTY RIGHTS, PROSPECTS FOR INCREASING THE LEVEL OF CAPITALIZATION OF PRIVATE PROPERTY**

*Norboev Odil Abraevich -  
TSUE Department of Fundamental Economics Associate Professor*

**Annotation.** This article provides for the creation of reliable protection of ownership relations and property rights, and the implementation of tasks to eliminate factors limiting these rights. At the same time, the reforms carried out by our government in the development of ownership are highlighted. As a result of the conducted analysis, conclusions were drawn on the abolition of restrictions that directly or indirectly limit the right to own, use and dispose of private property, and prevent the full implementation of market economy principles in property relations.

**Keywords:** ownership relations, the right to own, use and dispose of private property, limitations, conclusions on cancellation.

**Кириш.** Миллий иқтисодиётда мулк ҳуқуқининг дахлсизлигини ишончли ҳимоя қилиш, мулккий муносабатларга асоссиз аралашувга йўл қўймаслик, хусусий мулкнинг капиталлашув даражасини ошириш, мулккий ҳуқуқларнинг ишончли ҳимоясини яратиш масалалари турибди. Мамлакатимизда мулкчилик муносабатларини амалга ошириш бўйича қулай шароитлар яратишнинг таъсирчан чораларини назарда тутувчи алоҳида дастурлар ишлаб чиқишга эътибор қаратилмоқда. Мулкчилик муносабатлари ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан эришилган натижаларни таҳлил қилиш билан бирга ушбу йўналишда мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотлар ҳам анча самарали бўлди. Республикада мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб, мулкчилик муносабатлари ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг ривожланиши ва улар фаолиятини эркинлаштиришга қаратилган қатор меъёрий ҳужжатлар қабул қилиниб, босқичма-босқич миллий иқтисодиётга жорий этиб келинмоқда. Президентимиз Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек, «иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштиришга йўналтирилган макроиқтисодий барқарорликни мустақамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш

суръатларини сақлаб қолиш, миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш, иқтисодиётда давлат иштирокчини камайтириш бўйича институционал ва таркибий ислоҳотларни давом эттириш, хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва унинг устувор мавқеини янада кучайтириш, кичик бизнес ва тадбиркорлик ривожини рағбатлантириш, ҳудудлар, туман ва шаҳарларни комплекс ва мутаносиб ҳолда ижтимоий-иқтисодий тараққий эттириш, инвестиция муҳитини яхшилаш орқали мамлакатимиз иқтисодиёти тармоқлари ва ҳудудларига хорижий сармояларни фаол жалб этишдир» [1].

**Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.** Миллий иқтисодиётда мулк ҳуқуқининг дахлсизлигини ишончли ҳимоя қилиш, хусусий мулкнинг капиталлашув даражасини ошириш истиқболлари бўйича иқтисодчи олим ва мутахассисларнинг тадқиқотлари ва халқаро конференцияларда фикр ва мулоҳозалари келтириб ўтилган. Улар томонидан мулк ҳуқуқининг дахлсизлигини ишончли ҳимоя қилиш сабаблари, мамлакат иқтисодиётида тутган ўрни ва уларнинг салбий ва ижобий жиҳатларини ўз даврларидаги мавжуд ҳолатлар бўйича кўрсатиб ўтилган. Мулк

хилма-хиллиги ва уларнинг ҳуқуқи дахлсизлигини ишончли ҳимоя қилиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳақида гапиришдан олдин «бизнес» ва «тадбиркорлик» тушунчаларига тўхталиш мақсадга мувофиқ. Иқтисодиёт фанида тадбиркорлик фаолиятига доир дастлабки тадқиқотлар XVIII асрда Р.Кантильон, А.Тюрго, Ф.Кене, А.Смит ва Ж.Б.Сэй асарларида амалга оширила бошлади. «Бизнес» инглизча сўз бўлиб, у тадбиркорлик фаолияти ёки бошқача айтганда, кишиларнинг фойда олишига қаратилган тадбиркорлик фаолиятидир» [2].

Бизнесмен (тадбиркор) сўзи биринчи мартаба Англия иқтисодиётида XVIII асрда пайдо бўлиб, у «Мулк эгаси» деган маънони билдиради.

Адам Смит тадбиркорни мулк эгаси сифатида таърифлаб, уни фойда олиш учун бирор-бир тижорат ғоясини амалга ошириш мақсадида иқтисодий таваккалчиликка борадиган кишидир, деб таъкидлайди» [3].

Тадбиркор ўз ишини ўзи режалаштиради, ишлаб чиқаришни ташкил этади, маҳсулотни сотади ва олган даромадини ўзи мустақил тасарруф этади. Бизнес – бу аввало ишлаб чиқаришни ташкил этиш, иқтисодий фаолият ва муносабатлар, ҳаётнинг ўзи сўнгра эса пул ишлаш демакдир. Шундай қилиб, бизнес корхона ташкил қилиш демакдир. Демак, биз йўқ нарсадан пул ишлаб топиш эмас, балки мураккаб ишлаб чиқаришни, яъни мулк хилма-хиллиги яратиш ёки хизмат кўрсатишни ташкил этиш демакдир.

Ўзбекистонда иқтисодий ислохотларнинг дастлабки палласидаёқ мулкчиликнинг ҳамма шакллари тенг ҳуқуқли эканлиги конституцион тарзда эътироф этилди ва давлат мулки монополизмини тугатиш ҳамда бу мулкни хусусийлаштириш ҳисобига кўп укладли иқтисодиётни реал шакллантириш вазифаси қўйилди. Аввало, мулкчиликнинг турли хил шакллари қарор топиши учун тенг ҳуқуқий меъёрлар ва амал қилиш механизмлари яратилди [4].

Иқтисодиётнинг барқарор ривожланишида хусусий мулк ва унинг асосида ривожланаётган хусусий тадбиркорликка кенг эътибор берилмоқда. Президентимиз Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек, “жиддий ва кундалик эътиборини талаб қиладиган яна бир муҳим йўналиш мавжуд. Бу хусусий мулк ва тадбиркорликни янада ривожлантириш ва уларнинг таъсирчан ҳимоясини таъминлашдир» [5].

Аристотелнинг фикрича, хусусий мулк жамиятда фойдали функцияни бажаради, унинг хусусий мулкка бўлган ҳуқуқни маъқуллаган ҳолда, миқдори бўйича чеклов белгиловчи қоидалар татбиқ этмаслик зарур [6].

Хаммурапи қонунлари (м.о. XVIII аср.) Умуман, хусусий мулкчилик, шу жумладан, ерга бўлган хусусий мулкчилик тан олинган. Бировнинг хусусий мулкига кўз олайтирган, унга зарар етказганлар иқтисодий жиҳатдан жазоланган [7].

Конфуций «буюк жамоа мулки» (деҳқонлар жамоаси мулки) ва хусусий эгалик (қулдорлар мулки)ни фарқлайди, иккинчисини кўпроқ қўллайди. Бу ерда у хусусий мулкни хўжалик юритишда устун қўяди [8].

У. Петти (1623-1686) бойликнинг манбаи ер ва меҳнат эканлигини эътироф этган. «Меҳнат бойликнинг отаси, ер унинг онаси», деган ибора унга тегишлидир [9].

А.Смитнинг эркин бозор, баҳонинг эркин шаклланиши, ички ва ташқи савдо, тадбиркорларнинг чекланмаган эркин рақобати ва протекционизмнинг ҳар қандай қўринишига йўл қўймаслик тамойиллари мавжуд [10].

Мулк ҳуқуқининг дахлсизлигини ишончли ҳимоя қилиш ва хусусий мулкнинг капиталлашув даражасини оширишда инфратузилмавий хусусиятларига эътибор қаратсак, мулкчилик муносабатлари иқтисодий фаолликни тиклаш учун асосий бўғин сифатида хизмат қилади. Шу сабабли мулкдорлар фаолиятини рағбатлантиришнинг энг самарали воситаларидан бири ҳисобланади.

**Тадқиқот методологияси.** Тадқиқот давомида Ўзбекистон Республикасида мулкчилик ҳуқуқларнинг ишончли ҳимоясини яратиш, мулкчилик капиталлашуви даражаси, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти, тадбиркорликни ривожлантириш истиқболларининг амалдаги ҳолати мушоҳада, индукция ва дедукция, динамик қаторлар, иқтисодий-статистик таҳлил ва синтез, статистик гуруҳлаш, тизимли таҳлил, таққослаш ва бошқа усуллардан фойдаланилган.

**Таҳлил ва натижалар.** Миллий иқтисодиётда хусусий мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқини бевоқиф ёки билвосита чеклашни назарда тутувчи, мулкчи муносабатларда бозор иқтисодиёти тамойилларини тўлиқ жорий этишга тўсқинлик қилувчи тартиблар, талаблар ва чекловларнинг 2022 йил 1 сентябрдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонида асосан бекор қилиниши кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятига мулк хилма-хиллигини яратиш учун янги имкониятлар яратади. Бошқача айтганда, у муайян ижтимоий-иқтисодий натижага эришиш мақсадида товар ва хизматларни ишлаб чиқариш ҳамда айирбошлашни ташкил этиш бўйича мулкдорларнинг ёки улар вакилларининг онгли ва мақсадли иқтисодий

фаолиятидир. «Ўзбекистон Республикаси тадбиркорлик тўғрисида»ги қонунида тадбиркорликка қуйидагича таъриф берилган: «Тадбиркорлик-мулкчилик субъектларининг фойда олиш мақсадида таваккал қилиб ва мулкий жавобгарлик асосида амалдаги қонунлар доирасида ташаббус билан иқтисодий фаолият юртишдир» [11].

Бозор иқтисодиётида бизнес ва хусусий тадбиркорлик эркинлиги таъминланганлиги иқтисодий ривожланишнинг муҳим шarti ҳисобланади. Шу боисдан бизнес ва тадбиркорлик функцияси, назарияси иқтисодий назария фанида муҳим ўрин тутлади. XVIII асрадаёқ француз иқтисодчиси Р.Кантиолон, XIX асрада немис классик мактаби вакилларида И.Тюнен ва Г.Мангольф ҳамда америкалик иқтисодчи Ф.Найт тадбиркорлик ва унинг фаолияти хусусиятларини тадқиқ этганлар. Р.Кантилон тадбиркорликнинг муҳим хусусияти риск эканлигини асослаб берган. Унинг фикрича, «тадбиркор олдиндан кўра билиш қобилиятига эга ва риск қилишга қодир бўлган, келажакка интилувчи, даромад олишдан умидвор бўлган, шу билан бирга йўқотиш ва зарар кўришга ҳам тайёр бўлган ҳар бир шахсдир». XVIII-XIX асрларда ижод қилган Р.Кантилон, Й.Тюнен, Ф.Кене, А.Смит, Ж.Б.Сей сингари иқтисодчи олимлар тадбиркорлик ва бизнес, шунингдек, тадбиркор ва мулкдор тушунчаларини айнан бир хил маънода изоҳлаганлар. Ўзбек олимларидан И.Э.Турсунов, А.Б.Қурбонов, Ф.Ф.Маматов қуйидагича таъриф беришади: «бизнес ва тадбиркорлик ўзаро узвий боғлиқ; бўлиб, бир хил ижтимоий-иқтисодий асос ва тамойилларга эга тушунчалардир» [12].

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари кичик корхона, микрофирма, фермер ва деҳқон хўжаликлари, яқка тартибдаги тадбиркорлар, хунармандлар сифатида ҳудудларда маҳаллий ишлаб чиқаришни ривожлантиришда, бандлик муаммосини имкон қадар бартараф этишга, рақобат муҳитини шакллантиришга хизмат қилмоқда. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига мустақиллик бериш улар фаолиятининг якуний натижалари учун жавобгарлик ҳиссини оширади. Бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ривожлантириш миллий иқтисодиётда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг энг муҳим устувор йўналишларидан биридир. Ўтган қисқа давр мобайнида мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг иқтисодий ва ҳуқуқий асослари яратилиб, бу борада Ўзбекистон Республикасининг соҳага оид бир қатор қонунлари, Президент фармонлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва меъёрий ҳужжатлари қабул қилинганлигини қайд этиш

мақсадга мувофиқ. Республикаимизда мулкчилик муносабатларини амалга ошириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун қуйидаги шароитлар яратилган:

1. Кўчмас мулк объектлари ва келгусида шаклланувчи давлат акция пакетлари (улушлари) ҳамда давлат корхоналарини хусусийлаштириш тўғрисида қарор қабул қилиш, уларни сотиш шартлари, савдо тури ва оммавий савдолардаги бошланғич нархини белгилаш.

2. Давлат активларини инвестиция қилиш мажбуриятлари билан сотишда инвесторлар томонидан хорижий эл валютадаги пул маблағлари шаклида киритиладиган инвестициялари корхоналарнинг алоҳида ҳисобварағига ўтказилиши.

3. Мулк ҳуқуқининг дахлсизлигини ишончли ҳимоя қилиш, мулкий муносабатларга асоссиз аралашувга йўл қўймалик, хусусий мулкнинг капиталлашув даражасини ошириш чора-тадбирлари ишлаб чиқилди.

4. Жумладан, солиқ тизими тубдан ислох қилинди, рухсат берувчи ҳужжатларни олиш тартиби сезиларли даражада соддалаштирилди, тадбиркорлик субъектларининг молиявий-хўжалик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган режали текширишлар бекор қилинди.

5. Кичик бизнес субъектларининг рўйхатдан ўтиш вақти 30 дақиқани ташкил этади. Яқка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтиш учун фақат бир дона, юридик шахс сифатида кичик корхона рўйхатга олишда эса – икки дона ҳужжат талаб этилади.

6. Деярли барча тармоқдаги кичик корхоналар кичик бизнесни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратишнинг муҳим омили ҳисобланадиган ягона солиқ тўлови ставкаси, реализация қилинган товар ва хизматлар ҳажмининг 5 %ни ташкил этади.

7. Янги ташкил этилган хорижий инвестиция иштирокидаги ишлаб чиқариш корхоналарига 5 йил давомида улар рўйхатдан ўтган кундаги солиқ ва мажбурий тўловлар ставкасини қўллаш ҳуқуқи берилади. 2018-йилдан бошлаб 1 гектардан кўпроқ ер майдонига эга кичик корхоналар ягона ер солиғи тўлаши белгилаб қўйилди.

8. Кичик бизнесни молиявий қўллаб-қувватлаш қуйидаги йўллар орқали амалга оширилмоқда: банклар томонидан имтиёзли ставкалар бўйича кредитлар бериш; тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасининг тадбиркорлик фаолиятига берилган кредит маблағларининг 50 % миқдоридаги кафиллик ва тижорат банклари кредитлари бўйича ҳисобланган фоиз харажатларини қоплаш.

9. Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш-



га маъсул институт томонидан бизнес манфаатлари ҳимояланган. Ўзбекистонда кичик бизнес субъектлари фаолиятини режадан ташқари текшириш бекор қилинди, шунингдек, биринчи марта содир этилган молиявий-хўжалик ҳуқуқбузарлик учун тадбиркорлик субъектлари маъмурий жарималарнинг барча турларидан озод этилган.

10. Республиканинг барча ҳудудларида тадбиркорлик субъектларига давлат хизматларини кўрсатувчи «ягона дарча» тамойили остида фаолият юритувчи марказларда тадбиркорликни қўллаб-қувватловчи марказлар ташкил қилинган. Тадбиркорлик фаолиятини энди бош-

ловчи субъектлар учун ўзларининг бизнес режаларини тузиш, ҳуқуқий ва амалий кўмак бериш, шунингдек фаолиятлари учун зарур маълумотларни олишлари учун «бизнес-инкубаторлар ташкил этилган.

11. Республика бўйича тадбиркорларга бизнес юритиш бўйича ўқув курслари, хусусийлаштирилган объектлар базасида лойиҳалар амалга ошириш, 5 йил муддатга ноль ставкада ижара асосида ер майдонлари ажратиш орқали ёшларни доимий иш билан таъминлаш. Тадқиқотлар жараёнида юқорида келтирилган фикрларимизнинг мантиқий давоми сифатида қуйидаги жадвални кўриб чиқамиз (1-жадвал).

1 - жадвал

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши (умумий ҳажмга нисбатан %) [8]

Йил	ЯИМ	Саноат	Қурилиш	Бандлик	Экспорт	Импорт
2000	31	12,9	38,4	49,7	10,2	22,8
2018	60,4	37,4	73,2	76,3	27,2	56,2
2021	54,9	27	72,4	74,4	22,3	48,7

Манба: муаллиф ишланмаси

1-жадвал маълумотларини таҳлил қилсак, 2000 йилда кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг улуши ЯИМ таркибида 31 фоизни ташкил этган бўлса, 2018 йилга келиб, бу кўрсаткич 60,4 фоизни ташкил этмоқда. Ушбу кўрсаткич 2021 йилда эса пасайиб, 54,9 фоизни ташкил этганига гувоҳ бўламиз. Бунга асосий сабаб сифатида 2021 йил 1 январдан бошлаб солиқ солишнинг соддалаштирилган тартибини қўллашда солиқ тўловчиларнинг йиллик ўртача ишчилар сони мезонига муқобил равишда кичик бизнес субъектларининг ўтган йилдаги товар айланмаси миқдори қўлланилиши ҳисобланади.

Қурилиш ва бандлик соҳасида ҳам кичик бизнес ва тадбиркорлик улуши сезиларли даражада ошган. Экспорт ҳажми 2000 йил 10,2 фоизни ташкил этган, 2021 йилда эса 22, фоизни ташкил этган. Импорт ҳажми 2000 йил 22,8 фоизни ташкил этган 2021 йилда эса 48,7 фоизни ташкил қилганини кўриш мумкин. Бу жадвалда экспорт ҳажми импорт ҳажмига нисбатан жуда пастлигини кўришимиз мумкин. Бугунги кунда мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш бўйича эълон қилинган чора-тадбирларга қарамай, ҳозирги кунда уларни реал равишда амалга ошириш анча орқада қолмоқда. Кўпгина қонунчилик масалалари ҳал қилинмаган, шу жумладан умумий солиққа тортиш тизими доирасида кичик ва ўрта корхоналар ва йирик бизнесга муносабатларнинг тенглиги таъминланмаган, натижада кичик корхоналар капитал, табиий ресурслар ва ердан фойдаланиш билан боғлиқ муаммоларга дуч келмоқда. Бундай муаммолар мавжудлиги эса тадбиркорлик

фаолиятининг барқарор ривожланишига салбий таъсир кўрсатади.

**Хулоса ва таклифлар.** Сўнгги йилларда мамлакатимизда барча соҳаларда бўлганидек, хусусий мулкка эгаллик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқини бевосита ёки билвосита чеклашни назарда тутувчи, мулккий муносабатларда бозор иқтисодиёти тамойилларини тўлиқ жорий этишга тўсқинлик қилувчи тартиблар, талаб ва чекловларни бекор қилишга эътибор қаратилмоқда. Хулоса ўрнида айтсак, бугунги кунда жамиятимиз ҳаётининг ҳамма бўғинларини қамраб олган туб иқтисодий ислохотлар жараёнининг асосий негизини мулкчилик, мулккий ҳуқуқларнинг ишончли ҳимоясини яратиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини белгилаб беради. Тадбиркорлик турли хил эҳтиёжлар мажмуасидир.

Улар мамлакат иқтисодиётининг рақобатбардошлигини оширади ҳамда ҳозирги шароитда аҳоли бандлигини таъминлашнинг қулай ечими ҳисобланади. Мулк капиталлашуви учун кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ривожлантириш хорижий мамлакатлар тажрибасини чуқурроқ ўрганиб, бу тажрибани мамлакат шароитига мослаб, янгича ёндашувлар асосида татбиқ қилиш асосан уларнинг солиқ сиёсатини чуқур ўрганиш ҳамда тадбиркорларга берилган солиқ ставкаларини ҳудудларнинг солиқ потенциалидан келиб чиққан ҳолда табақалаштириш яширин иқтисодиётни кескин камайтиришга туртки бўлади.

Тадбиркорлик субъектлари учун қулай инвестицион муҳитни яратиш, иқтисодиёт тармоқларига замонавий техника-технологияларни жалб этиш орқали маҳаллий хомашёдан си-

фатли маҳсулотларни ишлаб чиқариш орқали мамлакат экспорт салоҳиятини ошириш имконияти яратилади. Биз олиб борган таҳлилларимиз натижасида мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини рағбатлантириш, улар фаолиятининг самарали ва барқарор ривожланишини таъминлаш мақсадида қуйидаги таклифларни келтириб ўтмоқчимиз:

- ◆ мулкый ҳуқуқларнинг ишончли ҳимоясини яратиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ташкил этишда ҳудудий ёндашувга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Ҳудуднинг табиий-иқлим, географик хусусиятлари, йиллар мобайнида етакчи соҳалар, ушбу соҳалар бўйича орттирилган бой тажриба ҳамда инсон ресурсларидан мақсадли фойдаланиш;

- ◆ кадастр ва кўчмас мулкларни рўйхатдан ўтказиш интеграцион ахборот тизими кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларнинг давлат реестри ҳамда кўчмас мулк объектлари ҳақидаги маълумотлар, уларнинг ҳақиқийлиги ва ишончилиги давлат томонидан кафолатланувчи ягона ахборот тизимини ташкил этиш;

- ◆ UZKAD тизимига Гаров реестри, «Нотариус» автоматлаштирилган ахборот тизими, Кўчмас мулк объектлари манзиллари ягона реестри, Тадбиркорлик субъектлари ягона давлат реестри, Ўзбекистон Республикаси солиқ тўловчиларининг ягона реестри, «Давлат мулк

ки» ахборот тизими, Нодавлат нотижорат ташкилотлар ва уларнинг бўлинмалари реестри, лицензиялар, рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжат ва хабарномалар реестрлари ва кўчмас мулк объектларига оид маълумотлар юритилаётган бошқа барча давлат ахборот тизимларини интеграция қилиш ҳамда реал вақт режимида онлайн маълумот алмашинуви йўлга қўйиш;

- ◆ оилавий тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида тақдим этилаётган субсидиялар самарадорлигини ошириш мақсадида субсидиялардан фойдаланиш мониторинги дастурини ишлаб чиқиш;

- ◆ янги ташкил этилаётган бошланғич ва инновацион корхоналарни қўллаб-қувватлаш учун давлат томонидан қўллаб-қувватлаш самарадорлигини таҳлил қилиш ва баҳолаш тизимини ишлаб чиқиш;

- ◆ кичик бизнесни рағбатлантиришда бизнес-инкубаторлар, бизнесни қўллаб-қувватлаш марказлари, инновацион ва бошланғич бизнеснинг жадаллаштирилган дастурларини шакллантириш, ташкил этиш ва бошқариш фаолиятини йўлга қўйиш;

- ◆ замонавий бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиққан ҳолда қолақ ҳудудлар ва паст рентабелликка эга қишлоқ ва ўрмон хўжалиги сингари юқори хатарларга эга соҳаларни ривожлантиришни доимий равишда давлат томонидан рағбатлантириш зарур.

### Манба ва фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мулк ҳуқуқининг дахлсизлигини ишончли ҳимоя қилиш, мулкый муносабатларга асоссиз аралашувга йўл қўймалик, хусусий мулкнинг капиталлашув даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги ПФ-198-сон фармони. Тошкент шаҳри 2022 йил 24 август.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисиغا Мурожаатномаси. Тошкент шаҳри, 2018 йил 28 декабрь.
3. <https://taxfoundation.org/corporate-taxratesaround-world-2018>.
4. Иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари (1994 йил 21 январь) ва мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнини янада ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисидаги (1994 йил 16 март) фармонлар.
5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев “Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак” Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси. //Халқ сўзи 2017 йил 16 январь.
6. Ташматов Ш.Х., Асатуллаев Х.С., Аллаберганов З.Г. Иқтисодий таълимотлар тарихи. Дарслик. – Т.: Иқтисод-молия, 2018 й. –360 б.
7. Графский В.Г. Ҳуқуқ ва давлатнинг умумий тарихи: Университетлар учун дарслик, 2-нашр, қайта ишланган ва қўшимча. –М.: Норма, 2007. – 752 б.
8. Қадимги конфуцийчиликнинг иқтисодий қарашлари // Жаҳон иқтисодий тафаккур тарихи: 6 жилдда / Бош. муҳарир. В.Н. Черковец. – М.: Тафаккур, 1987. - Т.И. Иқтисодий фикрнинг туғилишидан сиёсий ҳаётнинг илк назарий тизимларигача. – С. 94-99. – 606 б.
9. Иқтисодий назария: Дарслик. Олий ўқув юртлари учун / таҳрирчи. В.Д. Камаева. - 10-нашр, қайта қўриб чиқилган. – М.: ВЛАДОС Инсонпарварлик маркази нашриёти, 2004 йил. – 217б.
10. <https://ziyouz.uz/ilm-va-fan/falsafa/adam-smitning-korinmas-qoli>.
11. Ўлмасов А, Шарифхўжаев М. Иқтисодиёт назарияси: Дарслик. – Т.: Меҳнат, 1999 й.
12. Азизов Х.Т., Оқюлов О., Отахонов Ф.Ҳ. Тадбиркорлик (бизнес) ҳуқуқи: Дарслик. – Т.: ТДЮУ нашриёти, 2016 й.
13. Ўзбекистон Республикасининг «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги УРҚ-328-сон қонуни. 2012 йил 2 май.
14. Ўрмонов. Н. ва бошқалар. Иқтисодий таълимотлар тарихи: Дарслик. – Т., 2007 й.
15. [www.uza.uz](http://www.uza.uz) – Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 2019 й 23 июль куни кичик бизнес ва тадбиркорликни янада ривожлантириш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилиши маълумотлари.
16. [www.stat.uz](http://www.stat.uz) – Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси расмий сайти маълумотлари.